

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА РАЙҲОНОЙ АБДУҒАНИЕВНА

БАДИИЙ МАТНДА БЕЛГИ МУНОСАБАТЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Саидова Райхоной Абдуганиевна

Бадиий матнда белги муносабатлари.....5

Саидова Райхоной Абдуганиевна

Знаковые отношения в художественном тексте.....21

Saidova Raikhonoy Abduganievna

Sign relations in fiction text.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати..

Список опубликованных работ

List of published works47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА РАЙҲОНОЙ АБДУҒАНИЕВНА

БАДИИЙ МАТНДА БЕЛГИ МУНОСАБАТЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.3.PhD/Fil960 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус,инглиз, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродов Ғайрат Некович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори, профессор

Сариев Санъат Матчонбоевич
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Навобий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» май соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» апрель кунин таркатилди.
(2021 йил «29» апрель даги 1 -рақамли йеестр баённомаси).



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филология фанлари
доктори (DSc), профессор

Г.И.Тоирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.З.Ражабов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори (DSc), доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XX аср ўрталаридан бошлаб структурал ва семиотик тадқиқ масалаларига, бадиий матн таркибидаги белгиларнинг яхлитликни юзага келтиришдаги ўрни ва аҳамиятини белгилашга; шеър назарияси, поэтикаси ва матн ости маъноларини белги муносабати нуқтаи назаридан очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, муайян ижодкорнинг лирик асарларини семиотика усуллари асосида таҳлил этиш, белги структураси таркибидаги билдирувчи-билинувчи алоқаларини ёритиш, бадиий матн моҳиятини семантик ва структур жихатдан очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида бадиий адабиёт намуналарини структур-семиотик ёндашув асосида ўрганиш, лирик, эпик ва драматик матн бадиий оламини юзага келтиришда парадигматик, синтагматик муносабатлар ва бинар оппозициянинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу жихатдан муайян шеърини ижод намуналари тадқиқи жараёнида структурализм ва семиотика усулларини самарали қўллаш; семиологик тизим, матн чексизлиги, белгиларнинг ўзаро алоқа-боғланишларини ёритиш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида замонавий ўзбек адабиётини ривожлантиришга, жумладан, адабиётшуносликнинг жаҳон илмида тараққий этган метод ва усулларини илмий тадқиқот жараёнига татбиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Шу жихатдан «Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тармоқ институтлари, илмий ва инновацион марказлар ҳамда корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги илмий, инновацион фаолиятни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратиш замон талаби бўлиб қолмоқда»¹. Бинобарин, бугунги адабиётшуносликда семиотика ютуқларидан фойдаланиш; бадиий матн поэтикаси, хусусан, шеърини матн моҳиятини белги структураси тизимида бинар оппозицияларга таяниб текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш,

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 171-172.

бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида структурализм ва семиотика муаммолари бўйича кўпгина ишлар яратилган. Жумладан, француз этнологи К.Леви-Стросс, Р.Барт, Ж.Озиа, Ж.Лаканнинг З.Фрейд таълимотига асосланган² илмий изланишларида структур методлардан фойдаланилганлиги³ структурализмнинг фан сифатида шаклланишида алоҳида эътирофга лойиқ.

Рус адабиётшунослигида атоқли аллома М.Бахтиннинг «полифоник тафаккур» ҳақидаги назарияси, Ю.Лотманнинг Россиядаги «структур мактаби», академик М. Храпченконинг талайгина тадқиқотлари семиотика муаммоларига бағишланган⁴.

²Клод Леви-Стросс. Структурная антропология. – М.: Эксмо-пресс, 2001. – 266 с.; Р.Барт. Избранные работы. – М.: Прогресс, 1989. – С. 82. Jean-Marie Schaeffer, Clefs pour le structuralisme, Seghers, 1957. манба: – <https://studfile.net/preview/3602311>. – P.18.

Лакан Ж. Функция и поле речи и языка в психоанализе. – М.: Гнозис, 1995. – 488 с.; Лакан Ж. Инстанция буквы в бессознательном или судьба разума после Фрейда. – М.: Русское феноменологическое общество/Логос, 1997. – С. 140-172. – <http://padabum.com/d.phpid=34765>; Лакан Ж. Семинары. Книга 1: Работы Фрейда по технике психоанализа (1953/54). – М.: Гнозис, 1998. – С.176-184. – <http://padabum.com/d.phpid=34765>; Лакан Ж. Семинары. Книга 2: «Я» в теории Фрейда и в технике психоанализа (1954/55). – М.: Гнозис, 1999. – С.185-192. – <http://padabum.com/d.phpid=34765>; Лакан Ж. Семинары. Книга 5: Образование бессознательного (1957/58). – М.: Гнозис, 2002. – С. 235-258. – <http://padabum.com/d.phpid=34765>; Лакан Ж. Семинары. Книга 7: Этика психоанализа (1959/60). – М.: Гнозис, 2006. – С. 346-368. – <http://padabum.com/d.phpid=34765>; Лакан Ж. Семинары. Книга 11: Четыре основные понятия психоанализа (1964). – М.: Гнозис, 2004. – С.452-475. – <http://padabum.com/d.phpid=34765>; Лакан Ж. Семинары. Книга 17: Изнанка психоанализа. 1969. – М.: Гнозис, 2008. – С.567-588. – <http://padabum.com/d.phpid=34765>. Бахтин М. Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – 445 с.; Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986. – 443 с.;

³Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. – 752 с.

⁴Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. Собрание сочинений в четырех томах. том IV – М.: Художественная литература, 1982. – 480 с.; Бахтин М. Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – 443 с.

Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгач, ўзбек адабиётшунослигида структурализмга қизиқиш, эътибор пайдо бўла бошлади. Адабиётшунослардан А. Расулов, Қ. Йўлдошев, С. Мелиев, М. Холбеков, Б. Карим, Д. Қуроноф, Қ. Қахрамонов каби олимларнинг китоб ва мақолаларида структурализм моҳияти, вазифалари, тадқиқ усуллари хусусида маълум бир нуқтаи назарлар билдирилган ва айрим ишларида структур хамда семиотик таҳлил усулларидан фойдаланилган⁵.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек хамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, бадиий матн лирик намуналарининг белги муносабатлари структур-семиотик усуллар асосида монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» (2017-2021 йй.) йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий матн таркибидаги белгиларнинг парадигматик, синтагматик ва зид муносабатларини, уларнинг бадиий матн яхлитлигини юзага келтиришдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, матнлараро алоқа-боғланишларни ойдинлаштириш ва шу асосда матннинг яхлит тизим эканлигини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадиий матннинг семантик-морфологик хусусиятлари, белги структураси, унинг таркибини ташкил этган шакл ва концепт (билдирувчи-билинувчи) муносабатларини ойдинлаштириш;

бадиий матн оламидаги парадигматик муносабатлар кўламини аниқлаш, бундай алоқа-боғланишларнинг хос хусусиятларини, синтагматик белги тизимининг поэтик-функционал аҳамиятини асослаш;

матнлараро парадигматик ва синтагматик муносабатларни ёритиш орқали миллий адабиёт ва жаҳон сўз санъатининг ягона бадиий тизим эканлигини кўрсатиш;

⁵Расулов А. Структура ва структурализм. – Манба: Расулов А. Бадиийлик – безавол мезон. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳарририяти, 2007. – Б. 28-56; Йўлдошев Қ. Бадиий таҳлил асослари. – УрДУ, 2008 (хаммуаллифликда). – 120 б.; Мелиев С. Структурализм ва структурал таҳлил ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. – №2. – Б.12-20; Холбеков М. Структур адабиётшунослик. – Тошкент: Фан, 2014 – 136 б.; Холбеков М. Ролан Барт ва структур адабиётшунослик // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – № 2. – Б. 23-33; Карим Б. Структурал метод. – Манба: Карим Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2016. – 266 б.; Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 288 б.; Қахрамонов Қ. Адабий танқидда структур метод талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – № 5. – Б. 34-38; Ёқубов И. Структурал поэтика имкониятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, – № 3. – Б. 3-12; С. Мели. «Асрга татигулик кун»: романи бадиий структурасининг айрим хоссалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010. – № 2. – Б. 16-23; Муродов Ф. «Юлдузли тунлар» романида бадиий кодлар // БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро, 2000. – № 1. – Б. 23-27.; Саидова Р., Муродов Ф. Бадиий матнда белги муносабатлари. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 64 б.; Алиева Н. «Ўткан кунлар»да психологик ҳолатлар // – Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – № 1. – Б. 52-59.

матн таркибида бинар оппозициянинг ўзига хос вазифаларини аниқлаш ва семиотик квадратнинг зид муносабатларни ифода этишдаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг «Сакина», «Туркистон руҳи» шеърий тўпламларига кирган айрим шеърлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Рауф Парфи шеърий асарларидаги матн структураси, белги ва унинг муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда структурал, семиотик, герменевтик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

белги структураси таркибидаги билдирувчи-билинувчи муносабатлари ҳамда билвосита ва бевосита алоқалар аниқланган;

матнлараро парадигматик ва синтагматик боғланишлар интерматн, матн адресанти сингари семиотика компонентлари муайян илмий-назарий хулосалар билан исботланган;

Рауф Парфи шеърларидаги белги муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, матннинг кўламдорлиги, унинг коннотатив табиати асосланган;

бадий матн тизимида бинар оппозициянинг муайян белгилар орасида содир бўлиши аниқланган, матн таркибидаги зид муносабатлар семиотик квадрат (СК) сатҳининг диагонал, вертикал ва горизонтал чизиқларида акс этиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий шеърият намуналари структур-семиотик усуллар ёрдамида тадқиқ этилган;

бадий матн тизимини юзага келтиришда парадигматик, синтагматик, бинар оппозициянинг аҳамияти ёритилган;

Аристотель томонидан илмий истеъмолга киритилган мантикий квадрат бадий матнга нисбатан қўлланилган ва шу асосда зид муносабатлар бўйича зарурий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг структурал, семиотик, герменевтик усуллар воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадий матн таҳлили, поэтикаси, бадий структураси, замонавий миллий шеърият тараққиёти, асосий тамойиллари, бадиияти, Рауф Парфи шеъриятига хос хусусиятлар ёритилган илмий қарашлардан адабиёт назарияси, семиотика, структурал адабиётшунослик йўналишларидаги тадқиқотларда назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Замонавий ўзбек адабиёти», «Адабиётшунослик асослари», «Адабиёт назарияси», «Адабиётшуносликнинг структурал методлари» фанларидан дарслик, электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда; унда қўлланилган терминлардан адабиётшунослик ва тилшунослик терминлари луғатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий матнда белги муносабатларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

модернистик шеърятга хос хусусиятлар тавсифи, бадиий матндаги белгилар тизими ҳақидаги хулосалардан Ф-1-06-рақамли «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» номли фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 октябрдаги 89-03-4076-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиётида модерн услубда яратилган шеърӣ асарларнинг бадиий шакли, ифода услуби, поэтик тараққиёт тамойилларини чуқурроқ ёритиш, матнларда белгиларнинг парадигматик ва синтагматик белгиларини тавсифлашга эришилган;

Аристотелнинг мантиқий квадратиға асосланган семиотик квадратни замонавий ўзбек адабиёти намуналарига қўллаш бадиий матн моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши очиб берилган хулосалардан А-1-197-рақамли «Ёшлар маданиятини шакллантиришда Алишер Навоӣ педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида (2015-2017 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 октябрдаги 89-03-4076-сонли маълумотномаси). Натижада лирик ижод намуналарини бадиий матн сифатида ўрганиш ва уларни ягона адабий-поэтик тизим тарзида тадқиқ этишнинг самарадорлиги эътироф этилган;

диссертация муаллифининг илмий нашрларда чоп этилган «Бадиий матнда семиотик тизим», «Лирик матн таркибидаги бадиий муносабатлар таҳлили», «Шеърӣ матнда парадигматик муносабатлар» каби мақолаларидаги умумлашма-хулосалардан А-1-118-рақамли «Навоӣ образининг талқин ва тасвирларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида (2015-2017 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 октябрдаги 89-03-4076-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиётида бадиий матнни таҳлил ва талқин этишда семиотиканинг аҳамиятини кўрсатишга, типологик моҳиятини аниқлашга эришилган;

тадқиқотдаги парадигматик ва синтагматик алоқа-боғланишлар, миллий ҳамда жаҳон адабиёти намуналари ягона бадиий тизим эканлигини тасдиқловчи хулосалардан Туркиянинг Истамбул Тижорат университети Erasmus + (K-102) «Туркий халқлар фольклорининг электрон фондини яратиш ва инглиз тилига таржима қилиш» лойиҳасида фойдаланилган (Истамбул Тижорат университетининг 2020 йил 10 июндаги берган маълумотномаси). Натижада туркиялик ва чет эллик талабаларнинг ўзбек

адабиёти асосларини англаш, хусусан, бадий ижод намуналарини ўрганиш ва тадқиқ қилишида семиотик усулларнинг аҳамияти ойдинлашган;

бадий матндаги зид муносабатларни ёритишга оид хулосаларидан Лал Бахадур Шастри номидаги ҳинд маданият марказида фойдаланилган (Ҳинд маданият марказининг 2020 йил 2 мартдаги маълумотномаси). Натижада тадқиқотларни ташкил этиш, китобхонлик маданиятини ошириш ва ўзбек адабиётини ўрганишни тарғиб қилиш бўйича ҳамкорликка эришилган;

бадий матннинг структур-семиотик таҳлили бўйича назарий-амалий характердаги илмий қарашлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» телеканали томонидан тайёрланган «Маърифат ёғдуси» дастури сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 февралдаги 01-18-131-сонли маълумотномаси). Натижада томошабинларнинг структурализм ва семиотиканинг бадий адабиётни ўрганишдаги аҳамияти, хусусан, структур-семиотик таҳлил жараёнида белги муносабатларини тадқиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги билимлари такомиллашиши учун замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан 8 та республика ва 4 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш эълон қилинган. Ишнинг натижалари 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясининг асосий натижаларини нашр этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола, республика ҳамда Халқаро базалар рўйхатига кирган хорижий журналларда 5 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Семиотика ва бадий матн**» деб аталган биринчи боби уч фаслдан иборат. Дастлабки («Адабиётшуносликда семиотиканинг ўрни») фаслда белгилар ҳақидаги фаннинг ўзига хос хусусиятлари, структурализм ва семиотика мутахассисларининг белги, унинг бадий матнни тадқиқ этишдаги аҳамияти хусусидаги қарашлари ёритилган.

Бу ўринда структурализм ва семиотика каби фан соҳаларининг пайдо бўлишида Ф.де Соссюрнинг тил тизими, З.Фрейднинг психоанализ, М.Бахтиннинг полифоник назариялари муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини айтиш лозим⁶.

Ғарб структуралист ва семиотиклари тил масаласига доимо биринчи даражали иш сифатида қараганлар. Бундай муносабатни, хусусан, Р. Барт, Ж.Лакан ишларида яққол кўриш мумкин. Ролан Барт «Мифологиялар», «Адабиёт ва метатил», «Тилларнинг бўлиниши», «Тилларнинг уруши», «Тил гулдуриси» тадқиқотларида айнан шу муаммо хусусида фикр юритган. Фаслда, шунингдек, бадиий матн, белги муносабатлари (парадигматик, синтагматик, бинар боғланишлар) ҳақида фикр юритилган. Матннинг кичик бирликларнинг кўшилишидан ташкил топган бадиий тизим эканлиги, унинг яхлитлигини белгиларнинг бир-бири билан алоқалари юзага келтириши кўрсатилган.

Даставвал Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида пайдо бўлиб, тараққиёт йўлига кирган структурализм ва семиотика ҳақидаги таълимотлар ўтган асрнинг 60 йиллари бошидан секин-аста бўлса-да, собиқ иттифоқ илмий ҳудудига кириб кела бошлади. Тарту давлат университетида структурал тадқиқотлар маркази иш бошлади. Бадиий адабиёт намуналарига матн тарзида қараш, уни белгилар тизими деб эътироф этиш ҳаракати бошланди. Совет даврида Ғарбда пайдо бўлган ҳар қандай таълимот ёхуд назария, гуманитар фан соҳаларига шубҳа билан қараш, уларни инкор этиш тамойили ҳукмрон эди. Ана шундай тарихий-маданий шарт-шароитда академик М.Б. Храпченко семиотика муаммоларига бағишланган иккита тадқиқотини эълон қилди. Олим ўша тузумнинг мафкуравий-сиёсий асосларига таянган адабиётшунослардан фарқли равишда, мазкур соҳага илмий-назарий дунёқараш нуқтаи назардан ёндашиб, имкон даражасида холис ва адолатли фикр юритишга ҳаракат қилган.

Олим «Семиотика ва бадиий ижод» мақоласининг муқаддимасидаёқ «белги ва белги тизимларини инсоннинг ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутиши»ни қайд этиб, турли-туман маросим, сигнал, пул белгилари, кийим шакллари, табиий ва сунъий тилларни мисол тарзида келтирган. Ишда «белги ҳодисалари муаммосининг адабиёт ва санъатда ёритилиши» умумназарий жиҳатдан ҳам шунингдек, замонавий ва ўтмиш санъатида муайян

⁶Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. М., 1977. – 695 с.; Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. М.: Прогресс, 2001. – 280 с.; Фрейд З. Психология масс и анализ человеческого Я. – М., 2016. – 82 с.; Фрейд З. Введение в психоанализ. – М., 2017. – 483 с.; Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов. писатель, 1963. – 360 с.; Бахтин М. Литературно-критические статьи. – М.: Художественная литература, 1986. – 445 с.; Бахтин М. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. – 443 с.; М.М. Бахтин и методология современного гуманитарного знания: Тез. докл. Участников вторых саранских Бахтинских чтений / Редкол.: А. И. Сухарев (отв. ред.) и др. – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 1991 – 120 с. Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. – СПб.: Азбука, 2000. – 336 с.

жараёнларни баҳолаш нуқтаи назаридан ҳам муайян қизиқиш уйғотиши эътироф этилган⁷.

Бобнинг иккинчи («Белги структураси») фаслида белги структурасига хос жиҳатлар Р. Парфининг лирик ижодига мансуб матн («Кўнглим қоронғудир. Теварак тутун...») таҳлили давомида ёритилган.

Бир семиотик тизим (тил)дан бошқа тизим (бадий матн)га ўтган билинувчи (концепт) олдинги хусусиятларини муваққат бўлса-да ўзида сақлайди. Бу унинг тил қатламига мансублигини кўрсатиб туради. Шу билан бирга, матн қатлами нуқтаи назаридан шакл ҳисобланади. Матн таҳлили жараёнида фақат белгининг тилга хос концептини тадқиқ этишнинг ўзи етарли эмас. Бундай лисоний-матний оламда «мазмун шаклга эврилар экан, ўзининг тасодифий аниқлигидан маҳрум бўлади, ичи бўш нарсага айланади, йўқсуллашади, тарих унинг ичидан чиқиб кетади ва ҳарфларнинг ўзигина қолади»⁸. Матндаги билдирувчининг бундай ҳолга тушиши у ўзидаги жамики ахборотни таркибий қисми бўлган билинувчи (концепт) га узатиши билан изоҳланади. Белги концепти тил белгиси билинувчиси қурилмасидаги маълумотни қабул қилиш билан кифояланиб қолмай, уни жиддий қайта ишлайди. Бадий матн таркибидаги бошқа белгиларга мувофиқлаштиради, натижада матн белгиси сифат жиҳатдан ўзгаради ва ўзи тегишли бўлган семиотик тизим концепцияси манфаатларига хизмат қилиши бошланади. Матн концептининг энг муҳим хусусияти, унинг аниқ тарихийлик аломатларига эга бўлишида намоён бўлади.

Биз ушбу фикрни Рауф Парфи лирик меросидан танлаб олинган бир шеър асосида тасдиқлашга ҳаракат қиламиз⁹. Бу бадий яратма 1988 йил – ўзбек миллий истиқлоли арафасида ёзилган бўлиб, зуллисонайн (озарбайжон-ўзбек) адабиётшунос Акиф Бағирга бағишланган. Шеър туркий халқларнинг ўтмиши, ютуқ ва фожиалари, истиқболи буюк дард билан ёзилган мукамал бадий-поэтик тизим намунасидир.

Мазкур матнга «Кунтуғмиш» достонидан олинган «Ассалому алайкум, дорнинг оғочи» бирлиги эпиграф сифатида олинган. Бир матнда истифода қилинган бадий парча ва унинг таркибига кирган белги (лар) бошқа бир поэтик тизимга кириб келар экан, янгича мазмун касб этади, янги бадий муҳитнинг талаб ва имкониятлари ҳамда ғоявий идеалига мослашади. Бинобарин, аввалгидан жиддий фарқ қилувчи аломат-хусусиятларга эга бўлади. Худди шундай ҳодисани мана шу эпиграф мисолида ҳам кўриш мумкин.

Матндаги «**Ассалом алайкум, дорнинг оғочи**» бирлигида иккита белги мавжуд:

- 1) ассалому алайкум;
- 2) дорнинг оғочи.

⁷ Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. Собрание сочинений в четырех томах. том IV. – М.: Художественная литература, 1982. – С. 240-241.

⁸Барт Р. Избранные работы. – М.: Прогресс, 1989. – С. 82.

⁹ Рауф Парфи. Туркистон руҳи. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 220-221.

Шеърӣ матн эпиграфидаги мана шу белгилар таркибини текшириш иккала матндаги мазкур бирликлар орасидаги тафовут ва алоқадорликларни ойдинлаштириш имконини яратиб беради.

Фаслда таҳлилга тортилган бадиий матндаги концептлар мавҳум воқеликни эмас, аниқ бир тарихий ижтимоий-сиёсий тузум (мустамлакачилик давридаги Туркистон) моҳиятини очиб беришга хизмат қилганини кўриш мумкин. Лирик қаҳрамон «дорнинг ёғочи»га қараб «ассалому алайкум» деяётган экан, яъни муқаррар ўлимни бўйнига олиб, тенгсиз кураш майдонига қираётган экан, табиийки, бундай фавқулудда жасоратнинг аниқ ва тарихан далилланган сабаб ҳамда омиллари бор. Бундай сабаб ва омиллар ушбу белги узвларида ўз ифодасини топмаган. Чунки ҳар бир концепт ифодалаётган маъно ва бадиий-поэтик вазифа ўз ҳажми ҳамда структурасига, мақсад, вазифаларига кўра чекланган бўлади. Демак, мазкур концептлар, сал кенгроқ миқёсда олиб қаралса, белгилар моҳиятига асосан нарратив хусусиятга эга. Улар китобхоннинг онгида «Нима учун?» деган саволни пайдо қилади. Бу саволга жавобни матндаги бошқа белги унсурларини таҳлил қилиш орқали топиш мумкин.

Бобнинг «Рауф Парфи ижоди бадиий матн сифатида» фаслида бадиий матнга хос поэтик-функционал аломатлар унинг структурасида намоён бўлиши ҳақида фикр юритилган.

Структур-семиотик таҳлил жараёнида муаллиф (ижодкор) эътибордан соқит қилинади. Бундай усул шоир ёки адибни инкор этиш, унинг хизматларини тан олмаслик дегани эмас. Муаллифни матндан ажратиш ва асосий эътиборни бадиият намунасига қаратиш тадқиқ ва таҳлил теранлиги учун хизмат қилади. Бундай ҳолда ижодкор шахси камситилмайди, аксинча унинг қаламига мансуб бадиий ижод намунаси жуда теран, атрофлича ўрганиб чиқилади. Натижада матннинг моҳияти ойдинлашади, ундаги ички қатламлар аниқланади, ижод маҳсулининг бадиий-эстетик қиммати маълум бўлади.

Бадиий матнда муаллиф бевосита иштирок этиб, воқеа, қаҳрамон кабиларга ўз муносабатини билдириб турса, табиийки, муаллифни эътибордан соқит қилишнинг ҳеч бир имкони бўлмай қолади. Бундай вазиятда ижодкорга бадиий матн таркибидаги образлардан бири сифатида қараш лозим.

Бадиий матн мустақил майдондир. У фақат ўзига алоқадор қонуниятлар доирасидагина ҳаракат қилади ва ўз моҳиятини намоён этади. Бадиий матннинг мустақиллиги, авваламбор, шу нарсада кўринадикки, у нафақат муаллифга, шунингдек, муайян бир мафкура, таълимот, дунёқарашга ҳам бўйсунмайди. Бу матн ҳар қандай ғоя ёхуд идеални рад қилади дегани эмас. Матн бадиий қатламларида маълум бир нуқтаи назар, қарашларни ифода этган мафкура ва назариялар акс этади, албатта. Аммо матн уларга бир ёклама (тенденциоз) муносабатда бўлмайди. Бадиий матн таркибидаги образлар бундай таълимот ва дунёқарашларга инкор ёки тасдиқ жиҳатидан ёндашиши мумкин, бироқ матн бундай қарашларга нисбатан бетарафлигини сақлаб қолади.

Семиотикада матннинг бепоёнлиги ҳақидаги фикр доимо таъкидланиб келинмоқда. Матннинг поёнсизлиги деганда икки нарса эътиборга олинган:

1. Бадиий матн худудидаги белгиларнинг сон-саноқсизлиги.

2. Бадиий матн таҳлили давомида янгидан янги маъноларнинг кашф этилиши ҳамда бу жараённинг муттасил давом этиши.

Бадиий матнни ғайриматндан фарқлаш лозим. Матн мукаммал адабий-эстетик тизимдир. Ундаги ҳар бир бирлик (сўз, жумла, гап, матннинг айрим бир бўлаги) ўз ўрни ва вазифасига эга. Уларни ўзгартириш ёхуд қисқартириш мумкин эмас. Агар шундай қилинса, матн мукаммаллигига путур етади ва бадиий-эстетик тизим издан чиқади.

Мазкур фаслда Р.Парфининг «Абдурауф Фитрат» шеъри семиотик тадқиқ учун танлаб олинди, матний бўлак (лексия)ларга ажратилган ва улардаги белгилар аниқланиб, уларнинг бадиий-поэтик муносабатлари кўрсатилган.

Семиотик таҳлилдан маълум бўладики, «Абдурауф Фитрат» шеъри юксак бадиий мезонлари асосида юзага келган мукаммал бадиий-поэтик тизим бўлиб, унда лирик қаҳрамон, шу билан бир қаторда, муаллиф образи маҳорат билан яратилган.

Тадқиқотнинг «**Лирик матнда парадигматик ва синтагматик муносабатлар**» бобидаги илк фасл («Шеърий матнда парадигматик муносабатлар»)да ўзаро яқин белгиларнинг алоқалари тадқиқ қилинган. Бу вазифани амалга ошириш учун шоирнинг «Она Туркистон» шеъри 12 бўлакка ажратилди ва ҳар бири алоҳида таҳлил этилди. Матндан ажратиб олинган ҳар бир матний парча (лексия) шеър тизимидаги устувор ғоявий-бадиий концепцияни юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда улардан бирини кўриб ўтамиз.

3-лексия: Бот-бот хаёлимдан чекинди мубҳам,
Фикримдан юлқинди Ватан қораси.
Олисда милтираб сўнаётган шам
Кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси.

Мазкур матний бўлак истиоравий занжир асосида юзага келган бўлиб, тўртта белги – истиорани ўз ичига олади: а) хаёлдан бот-бот чекиниб турувчи мубҳам (номаълумлик) – бу ҳали хотирадан ўчмаган ўтмиш: бир вақтлар озод бўлган юрт, унинг шарафли мозийси, жаҳон тамаддунига буюк ҳисса қўшган даҳолари, жаҳонни ларзага солган алп аскарлари, енгилмас лашкарбошилари, муаззам ҳоқонликлар, уларнинг шон-шавкати... б) лирик қаҳрамон фикридан юлқиниб чиққан Ватан қораси – «қора шарпа» деганидир. Лирик қаҳрамон ва муаллиф (Абдулла Қодирӣ, муаллиф) яшаётган даврда Туркистон ўзга мамлакат, империянинг мустамлакаси эди. Бундай ҳолда ватан дунёга ўзини рўй-рост кўрсата олмайди, у шарпа каби намоён бўлиши мумкин, холос; в) олисда милтираб сўнаётган шам – бу ватан, яъни она Туркистон. Мустақиллигидан жудо этилган замин сўнаётган шамга ўхшайди; д) «кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси» – ушбу белги олдинги истиора-белгининг бошқача бир шакли бўлиб, азоб-укубатдаги улуснинг изтиробларини яна бир бор таъкидлаш учун қўлланилган.

Синтагматик муносабат ҳақидаги таассуротларни аниқлаштириш мақсадида шоирнинг «Хайрлашдик...Ўйнар капалак...» номли ўн уч мисрадан иборат бўлган шеъри структур-семиотик таҳлилга тортилган. Тадқиқ жараёнида бадий матн 15 та лексияга ажратилиб таҳлил этилган.

1-матний бўлак талқинини мисол тарзида келтирамиз.

1-лексия. «Хайрлашдик...Ўйнар капалак...» Биринчи матний бўлак таркибига кирган атиги учта сўздан ташкил топган иккита гапда айтилган фикрлар тадқиқотчига ҳам, шеърхонга ҳам муайян бир таассурот бера олади. Бу ўринда гап севги ҳақида бормоқда. «Хайрлашдик» – йигит ва қиз (ёки эркак ва аёл) матнда айтилмаган сабабларга кўра бир-бирларидан ажралиб кетишяпти. Бу вақтинчалик эмас, мангу айрилиқдир.

«Ўйнар капалак». Бу ўринда «капалак» сўзи коннотатив маънода қўлланмоқда. Мазкур кўчма маънони англаш учун оғзаки ва ёзма бадий ижод намуналари ҳамда халқ жонли сўзлашув нутқини хотирга келтириш лозим. Халқ тасавурида капалак беқарорлик, шу билан бирга, бевафолик тимсолидир. Капалак ўйини кўпга бормайди, у бир неча лаҳза давом этади, холос.

Шундай қилиб, «хайрлашиш» коммуникатив, «Капалак ўйини» коннотатив маъно касб этади. Улар иккаласи бир синтагматик қаторга бирлашгандагина, шеърий парчада янги тушунча ҳосил бўлади: матн ибтидоси барқарор бўлмаган севгига оид қарашни ифодаламоқда.

Бобнинг «**Матнлараро парадигматик ва синтагматик муносабатлар**» деб аталган фаслида матнлар орасидаги алоқалар тадқиқ этилган.

Адабиётшуносликда матнлараро муносабат (интерматн) ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Ролан Бартнинг фикрига кўра, «ҳар қандай матн, аслида, интерматндир: бошқа матнлар унда турли сатҳларда таниш ёки нотаниш шаклда мавжуд бўлади; олдинги маданият матнлари ҳамда ҳозирги давр матнлари унинг негизини ташкил қилади. Ҳар қандай матн бу эски цитата (сўз ёки ибора)лардан тўқилган янги мато»дир. Н. Белозёрова бу ҳодисани матнларнинг асрлар давомида ривожланиб келаётган мажмуаси сифатида талқин этган. В. Хейнемен фикрича, матнлар орасидаги муносабат «матн адресанти, яъни юборувчиси ўзига яхши таниш бўлган матн нусхаларидан фойдаланиб, ўзи англаган ёки англамаган ҳолда муайян матнларга таянганлиги, эргашганлиги, уларга мослашиб иш тутганлигини англатади»¹⁰. Юқоридаги фикрлар гарчи шакл ва мазмун жиҳатдан фарқланса-да, улардаги устувор фикр муштарак: матнлар қачон яратилишидан қатъий назар, уларнинг ўртасида алоқа-робиталар мавжуд.

Бадий матннинг устувор хусусияти бўлган ҳаракат, энг аввало, муайян бир матн доирасида юзага келади. Бунда бадий матн доирасидаги белгилар бир-бирлари билан парадигматик, синтагматик ва қарама-қарши (бинар) алоқа-муносабатларга киришади. Айнан ана шундай бирикув-боғланишлар матн яхлитлигини таъминлайди. Аммо белгилараро алоқа-муносабатлар

¹⁰Иқтибослар куйидаги манбадан олинди: Холбеков М. Структур адабиётшунослик. – Тошкент: Фан, 2014. – Б. 126.

фақат бир матн худудидагина рўй бермайди. Ҳаракат маълум бир матн ичида ўз вазифасини тўла бажариб бўлгач, «ташқари»га – бошқа матнлар томон интилади. Шу тариқа матнлараро боғланишлар жараёни юзага келади.

Фаслда матнлар орасидаги бирикувларнинг уч шакли ўрганилди:

1. Муайян бир ижодкор бадиий ижодига оид айрим матнлар орасидаги белги муносабатларини аниқлаш учун Рауф Парфи лирик шеърларидан икки бадиий яратма ажратиб олинди ва муаммо нуқтаи назаридан ўрганилди. Булар:

а) «Муҳаббат» (1977 йил);

б) «Сунбула» (1980 йил).

2. Айрим (миллий) адабиёт доирасида бир ижодкор қаламига мансуб бадиий матннинг бошқа бир қалам соҳибига тегишли матн билан бадиий-поэтик боғланишлари.

Бундай алоқадорлик Абдулҳамид Чўлпоннинг «Хазон» ва Рауф Парфининг «Абдурауф Фитрат» шеърларидаги ўзаро алоқадор белгиларнинг тадқиқи жараёнида аниқланди ва муайян хулосаларга келинди.

3. Жаҳон адабиёти миқёсида бир миллий сўз санъатига тегишли матннинг ўзга миллий адабиётга тааллуқли матн билан алоқадорлиги.

Бадиий ижод тажрибасида бундай алоқа-боғланишларнинг икки хил кўриниши учрайди:

1) бевосита белги муносабатлари: М1 (бир миллий адабиётга мансуб бадиий матн) → М2 (ўзга миллий сўз санъатидаги бадиий матн);

2) билвосита белги муносабатлари (бунда матнлараро бадиий-поэтик муносабат мавжуд бўлади: М1; М2; М3; М4 (бунда турли миллий адабиётларга мансуб матнлар кўрсатилган).

Бундай ҳолда юқоридаги шартли белгилар орқали тасвирланган матнлар орасидаги муносабатлар қуйидагича рўй бериши мумкин:

1) М1 → М2 → М3 → М4 ушбу боғланиш шаклига изчил кетма-кетлик хосдир;

2) М1 → М3 → М4 – бундай боғланишда М4 бош манба (М1) билан эмас, шу асосий объект билан аввал боғланган М3 билан белги муносабатларини ҳосил қилган.

Билвосита белги боғланишларида адабий таъсир мавжуд бўлиши мумкин. Аммо М1 → М3 → М4 алоқадорлигида М1 билан М4 орасида бевосита адабий таъсир мавжуд эмас. Шунга қарамай, М3 ва М4 орасидаги матний боғланишларда М1 нинг билвосита бўлса-да ўрни, аҳамияти борлигини эътироф қилиш керак бўлади.

Биринчи кўринишдаги парадигматик, синтагматик алоқалар жаҳон адабиётининг таниқли намояндаси, эрк куйчиси А.С. Пушкиннинг «Истак» ва Рауф Парфининг «Сунбула» шеърларидаги белги боғланишларини тадқиқ этиш жараёнида аниқланди.

«Истак» шеъридаги лирик қаҳрамон ишқ қанча азобли бўлмасин, у мен учун азиз ва муқаддасдир, шу йўлда ўлимга ҳам тайёрман, деган қатъий қарашни баён қилса, «Сунбула»даги ошиқ йигит эса маҳбубасига қарата сенинг кўзларинг дарё бўлса, менинг жасадим уни тўлдиради, деб хитоб

қилади. Демак, мазкур белгилардаги концепт «Муҳаббат ўлимдан кучли» деган бадиий идеални ифода этган.

Юқоридаги тадқиқ ва таҳлиллар шундан далолат беряптики, белгилараро алоқа-бирикувлар фақат мукамал бадиий-поэтик тизим – матнлар орасида юзага келади. Бадиий матн ва ғайриматн (номукамал асар) орасида бундай муносабатлар пайдо бўлиши мумкин эмас.

«**Бадиий матнда бинар оппозиция**» бобининг биринчи фасли («Матн ва бинар оппозиция»)да шеър бадиий тизимида белгилараро зид муносабатларнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Бинар оппозиция бадиий матн доирасида муайян белгилар орасида содир бўлади. Бинобарин, белги моҳияти аниқлангандан кейингина улар орасидаги зиддият ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Муайян белгининг зидди ҳамма вақт матн таркибида бўлавермайди. Шунга қарамай, унинг зидди тагматнда ёки муаллиф образининг «онг ости» қатламида мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, матнда изғиринли қиш манзараси ва бундан лирик қахрамон руҳидаги дилгирлик тасвирланар экан, қишга қарама-қарши бўлган баҳор ёки ёз назарда тутилиши мумкинлиги ҳисобга олиниши зарур.

Масалага ана шундай нуқтаи назар билан қарасак, бинар оппозициянинг бадиий матндаги асосий ғоя-образ (ушбу атама улкан аллома М.М.Бахтин томонидан илмий муомалага киритилган) ни аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши аёнлашади.

Фаслда «Мудраб ётар бунда дарахтзор», «Муаллақ қўллардек булутлар» шеърлари таҳлили давомида бинар оппозициясининг шеърдаги устувор фикрни юзага чиқариш, белги концептидаги коннотатив фикрни кучайтиришдаги ўрни кўрсатилган.

«Мудраб ётар бунда дарахтзор» шеърининг семиотик таҳлилидан маълум бўладики, матн бошдан охир бинар оппозиция асосида қурилган. Олдинги матний бўлақлардаги беш белги сўнгги мисрадаги яқунловчи белги билан алоқа-робитага киришиб, зид муносабатни ҳосил этган:

1. Мудраб ётар бунда дарахтзор
 2. Ухлар юпка муз остида сув.?
 3. Қуёш ойни тополмасдан зор
 4. Зулмат отли шоҳ киймоқда тож
 5. Ўз ҳукмига олганда уйқу
- Ухлаб олар олам ноилож. –
- Бечора тонг – ухламайди у**
-
- ```
graph TD; 1[1. Мудраб ётар бунда дарахтзор] --> C[Бечора тонг – ухламайди у]; 2[2. Ухлар юпка муз остида сув.?.] --> C; 4[4. Зулмат отли шоҳ киймоқда тож] --> C; 5[5. Ўз ҳукмига олганда уйқу] --> C;
```

Учинчи бобнинг «**Семиотик квадрат ва бинар оппозиция**» деб аталган иккинчи фаслида бадиий матндаги зид боғланишларни аниқлаш учун семиотик квадратдан фойдаланилган.

Семиотик квадрат Париж семиотик мактаби вакили А.Ж.Греймас томонидан ишлаб чиқилган ва илмий истеъмолга киритилган. Асли литвалик бўлган бу олим Франция лингвистикаси ва семиотикасига ҳам муносиб ҳисса қўшган. У ишлаб чиққан мазкур тизим Аристотелнинг мантикий квадратида асосланган эди.

Семиотик квадрат (СК) универсал илмий восита бўлиб, уни бир қатор фанлар, шу жумладан, бадиий матн таҳлилида ҳам қўллаш мумкин.

Россиялик семиотик Тамара Борисованинг фикрича, «семиотик квадрат у ёки бу семантик категориянинг мантиқий ташкилланрилиши (бўлакланиши)ни тасаввур қилишга мўлжалланган тасвиридир. Бу тушунча семантик категория белгилари орасидаги муносабатлар типологиясини аниқлаш учун қўлланилади»<sup>11</sup>.

Семиотика мутахассислари, шу жумладан, Греймаснинг фикрича, белги, энг аввало, зидлик маҳсулидир<sup>12</sup>. Мантиқий тафаккур талабига биноан «ширин» «аччиқ»ни албатта тақозо этади. «Кичик» бўлмаса, «катта»ни тасаввур қилиш ёхуд баҳолашнинг иложи йўқ. Бу – мантиқ илмининг хулосаси. Ушбу фикрни семиотикага ҳам татбиқ этиш мумкин. Белгилараро зидлик бўлиши учун мана шу икки белгини бирлаштириб турувчи тушунча мавжуд бўлиши лозим. Юқорида келтирилган «ширин» «аччиқ»ни бирлаштириб турган тушунча – таъм.

Семиотик квадрат уч хил муносабатни ўз ичига олади:

1) текис (горизонтал) сатҳда жойлашган белгиларнинг зиддиятига асосланган муносабат;

2) диагоналдаги белгиларнинг қарама-қаршилигидан юзага келган зид муносабат;

